



## ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАР ТАҲЛИЛИ

**Хасанов Камолиддин Абдураззокович**

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги  
Бюджет-солиқ илмий тадқиқотлари институти

ORCID: 0009-0006-7789-4251

[kamoliddin.xasanov@ifs.imv.uz](mailto:kamoliddin.xasanov@ifs.imv.uz)

**Акбарова Хамидахон Солижон қизи**

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги  
Бюджет-солиқ илмий тадқиқотлари институти

ORCID: 0009-0003-8248-540X

[xamidaxon.akbarova@ifs.imv.uz](mailto:xamidaxon.akbarova@ifs.imv.uz)

**Аннотация.** Ушбу мақолада ташаббусли бюджет жараёнларини ташкил этиши бўйича норматив-хуқуқий асослар таҳлили ҳамда “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали ўтказилаётган “Ташаббусли бюджет” жараёнида амалга оширилган лойиҳалар таҳлили ёритилган. Шунингдек, ташаббускорлар овоз йиғишга сарфлаётган маблағларни лойиҳани молиялаштириш учун йўналтиришга имкон берувчи биргаликда молиялаштириш механизмига таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калим сўзлар:** ташаббусли бюджет, очиқ бюджет, ахборот портали, давлат бюджети, жамоатчилик фикри.

## АНАЛИЗ СУЩЕСТВУЮЩИХ ПРОБЛЕМ В ИНИЦИАТИВНОМ БЮДЖЕТНОМ ПРОЦЕССЕ

**Хасанов Камолиддин Абдураззокович**

Институт бюджетных и налоговых исследований при  
Министерстве экономики и финансов Республики Узбекистан

**Акбарова Хамидахон Солиджон кизи**

Институт бюджетных и налоговых исследований при  
Министерстве экономики и финансов Республики Узбекистан

**Аннотация.** В данной статье освещен анализ нормативно-правовой базы организации инициативных бюджетных процессов и анализ проектов, реализуемых в процессе «Инициативного бюджета», проводимый через информационный портал «Открытый бюджет». Также разработаны предложения по механизму софинансирования, который позволит инициаторам использовать средства, предназначенные для сбора голосов, для финансирования проекта.

**Ключевые слова:** инициативный бюджет, открытый бюджет, информационный портал, государственный бюджет, общественное мнение.

**ANALYSIS OF EXISTING PROBLEMS IN THE INITIATIVE BUDGET PROCESS****Khasanov Kamoliddin Abdurazzokovich***Institute of Budget and Tax Research under the  
Ministry of Economy and Finance of the Republic of Uzbekistan***Akbarova Hamidakhon Solijon kizi***Institute of Budget and Tax Research under the  
Ministry of Economy and Finance of the Republic of Uzbekistan*

**Abstract.** This article covers the analysis of legal frameworks for the organization of initiative budget processes and the analysis of the projects implemented in the process of "Initiative Budget" conducted through the "Open Budget" information portal. Proposals have also been developed for a co-financing mechanism, which would allow initiators to use the money spent on collecting votes to finance the project.

**Keywords:** initiative budget, open budget, information portal, state budget, public opinion.

**Кириш.**

Жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган партисипатор бюджетлаштириш тажрибаси турли мамлакатларда методологик жиҳатдан бир-бирига жуда ўхшаш бўлиб, унинг асосий мазмуни кенг жамоатчиликни бюджет маблағлари сарфланишида иштирок этиш ва қарор қабул қилишга жалб қилишдан иборат.

Партисипатор бюджетлаштириш биринчи марта 1989 йилда Бразилияning ПортоАлегри шаҳрида бюджет маблағларини сарфлашнинг устувор йўналишларини белгилашда қўлланилган ва ижтимоий тенгсизликка қарши қураш воситаси сифатида жорий этила бошланган. Натижада, Бразилия тажрибаси Лотин Америкасига, кейин эса Европага тарқалиб, XXI асрда бу амалиёт Африка, АҚШ, Хитой ва Жануби-Шарқий Осиёда амалга оширилди. Бутун дунёда партисипатор бюджетлаштириш амалиётининг ривожланиши фуқаролар томонидан энг долзарб ҳисобланган ҳудуд муаммоларини ҳал қилишда давлат молиясини биргалиқда бошқариш эҳтиёжи пайдо бўлиши билан изоҳланади.

2021 йилдан Ўзбекистонда хориж мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўрганган ҳолда жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган бюджет модели – "Ташабbusli бюджет" ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Шунингдек, ташабbusli бюджет жараёнини хукуқий жиҳатдан мустаҳкамловчи бир қатор норматив хукуқий хужжатлар қабул қилинди. Бугунги кунда ушбу тизим аҳолига давлат молиясини бошқаришда даҳлдорлик, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш борасида таъсиричан восита сифатида ҳизмат қилмоқда.

Ташабbusli бюджет тизими фуқароларнинг жойлардаги долзарб муаммоларни ҳал этишига ҳамда бюджет жараённида фаол иштирок этишига замин яратиб, аҳолини қийнаб келаётган кўплаб муаммолар ушбу тизим орқали ўз ечимини топмоқда.

Ташабbusli бюджет ислоҳотлари доирасида Ўзбекистоннинг 2025-2027 йилларга мўлжалланган фискал стратегияси<sup>5</sup> муҳим аҳамият касб этади. Фискал стратегия доирасида ташабbusli бюджет тизимини доимий такомиллаштириб бориш, жумладан, назорат инструментларини кенгайтириш, жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, ҳудудий ҳокимликлар масъулиятини ошириш, мажбурий овоз тўплашга қарши қурашиш, "аралаш молиялаштириш" амалиётини жорий этиш режалаштирилган. Буларнинг барчаси ташабbusli бюджетлаштиришни янада ривожлантириш учун зарур шароитларни яратади.

<sup>5</sup> 2025-2027 йилларга мўлжалланган фискал стратегияси  
<https://api.mf.uz/media/filestore/Fiskal%20strategiya%202025-2027.pdf>

Кўйида Ўзбекистонда ташабbusли бюджет жараёнидаги муаммолар таҳлили ва аниқланган муаммоларнинг ечими юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Ташабbusли бюджетлаштириш давлат молияси билан бевосита боғлиқ бўлиб, ҳамма жойда минтақавий давлат молия сиёсатининг объектига айланиб бормоқда. Бу фуқаролар манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда бюджет маблағларидан фойдаланиш устуворлиги ва жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали механизмлари орқали бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини оширадиган воситадир. Иқтисодчи олимлар томонидан бундай бюджетлаштиришни “фуқаролар бюджети” (participatory budgeting) деб ҳам талқин этилади (Sinkina, 2015).

Лойиҳаларни ташабbusли бюджетлаштиришни таснифлашнинг бешта асосий мезонлари мавжуд:

- бюджет масалаларини муҳокама қилиш;
- маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакиллари иштироки;
- кетма-кетлиқда лойиҳани амалга ошириш жараёни;
- фуқаролар иштирокида жамоатчилик муҳокамаси;
- жамоатчилик ҳисботини ташкил этиш (Vagin & other, 2015).

Шундай қилиб, бюджетлаштиришда иштирокчи қарорлар қабул қилиш жараёнига, жумладан, ҳудудларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишда қандай ҳаракатлар самаралироқ бўлиши ҳақидаги қарорларни қабул қилиш жараёнига жалб қиласидиган маслаҳатчи демократиянинг элементи сифатида кўриш мумкин (Gavrilova, 2016).

Иқтисодчи олимлар ташабbusли бюджетлаштиришининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, демократик жамият қуришда унинг зарурати бўйича илмий изланишлар олиб боришган.

Хусусан, Вагин В.В., Тимоҳина Э.А. фикрича, ташабbusли бюджет – бюджет маблағларини сарфлаш объектларини белгилаш ва танлашда фуқароларнинг бевосита иштирокида маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал этиш, шунингдек, танланган лойиҳаларни амалга ошириш устидан кейинги мониторингни амалга ошириш бўйича фуқаролар ташабbusига асосланган турли амалиётлар мажмуи (25 QUESTIONS ON INITIATIVE BUDGETING, 2017).

Бюджет ҳамжамияти PEMPAL («Взаимное обучение и обмен опытом в управлении государственными финансами»)нинг Бюджет саводхонлиги ва бюджет шаффоғлиги ишчи гуруҳи томонидан нашр этилган нашрда таъқидланганидек, "ташабbusли бюджетлаштириш" бу "одамлар ўз маблағларидан қандай фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қиласидиган механизм ёки жараёндир"<sup>6</sup>.

### **Тадқиқот методологияси.**

1. Ташабbusли бюджет лойиҳаларини амалга ошириш кўламини кенгайтириш мақсадида ташабbusкорлар овоз йиғишга сарфлаётган маблағларни лойиҳани молиялаштириш учун йўналтириш (фуқаролар ташабbusи жамғармаси маҳсус ғазна ҳисобварағига), биргалиқда молиялаштириш, краудфандинг, диаспора маблағлари, корпоратив хайрия ва бошқалардан фойдаланиш.

Хусусан, биргалиқда молиялаштиришда лойиҳаларга бюджетдан лойиҳа қийматининг 85 фоизи миқдорида маблағ ажратилади. Лойиҳа қийматининг қолган 15 фоизи биргалиқда молиялаштириш орқали, ташабbusкорлар, тадбиркорлар ҳамда маҳалла бюджети маблағлари орқали таъминланади.

<sup>6</sup> «Общественное участие в бюджетной политике и бюджетном процессе. Создание и/или укрепление соответствующих механизмов в странах PEMPAL»: Подготовлено Рабочей группой бюджетного сообщества (БС) по вопросам бюджетной грамотности и прозрачности бюджета – Май 2020 г.

Бунда тўпланган овоз ва йўналтирилган маблағларга нисбатан 70 га 30 вазн, яъни туман миқёсида лойиҳа учун энг кўп овоз тўпланган лойиҳага 70 балл (қолган лойиҳаларга бериладиган балл тўплаган овозига мутаносиб равишда камайиб боради), Биргаликда молиялаштириш маблағлари миқдори учун 30 баллгача берилади.

Биргаликда молиялаштириш маблағлари миқдори лойиҳа қийматининг 15 фоизидан ошмаслиги керак, бунда шакллантирилган ҳар 1 фоиз маблағлар учун 2 баллдан берилади. Биргаликда молиялаштириш маблағлари фуқаролар, якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда юридик шахсларнинг ихтиёрий равишда бериладиган пул маблағлари, маҳалла бюджети маблағлари ҳисобидан шакллантирилади.

Бунда, бюджет ташкилотларида ишловчи ходимларнинг иш ҳақлари ҳисобидан маблағларни мажбурий шакллантиришга йўл қўйилмайди, агарда ушбу ҳолат аниқланганда мазкур лойиҳанинг ташабbusли бюджет жараёнидаги иштироки тўхтатилади.

Ҳар бир лойиҳа тўплаган баллар қуйидаги формула бўйича ҳисобланади, бунда йиғилган баллар овозлар сони энг кўп бўлган лойиҳага нисбатан пропорционал бўлиши, ҳамда биргаликда молиялаштириш миқдори ҳисобга олиниши таъминланади:

$$\text{Балл}_i = \frac{V_i}{V_{max}} \times S + C_f$$

бу ерда:

$V_i$  –  $i$  лойиҳа учун берилган овозлар сони

$V_{max}$  – энг кўп овоз йиққан лойиҳадаги овозлар сони

$S$  – эришиш мумкин бўлган максимал 70 балл

$C_f$  – биргаликда молиялаштиришга бериладиган балл миқдори ва у қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$C_f = \frac{CFC}{PV} \times 200$$

бу ерда:

$CFC$  – лойиҳа учун биргаликда молиялаштириш маблағлари миқдори (Co-Funding Contribution amount)

$PV$  – лойиҳа қиймати

Биргаликда молиялаштириш маблағлари миқдорининг лойиҳа қийматига нисбати  $0 \leq CFC/PV \leq 0,15$  оралиғида бўлиши шарт, яъни биргаликда молиялаштириш маблағлари учун ихтиёрий равишда бериладиган пул маблағлари умумий суммаси лойиҳа қийматининг 15% дан ошмаслиги шарт.

Мисол учун: Тошкент ш. Юнусобод тумани Мингчинор маҳалласи, Лолазор қўчасида қиймати 900,0 млн сўм бўлган кўча чироқларини ўрнатиш лойиҳаси овоз бериш жараёнида 3200 та овоз билан тумандада учинчи ўринни эгаллаган (энг кўп овоз йиғлан лойиҳа 3500 овоз олган), биргаликда молиялаштириш миқдори ( $CFC$ ) 117,0 млн сўмни ташкил этди (loyiҳa умумий қийматига нисбатан 13%). Бунда мазкур лойиҳанинг тўплаган баллиқиудагича ҳисобланади:

$$\text{Балл}_i = 70 * \left( \frac{3200}{3500} \right) + \left( \frac{117}{900} \right) * 200$$

Лойиҳа берилган овозлар бўйича 64 балл, биргаликда молиялаштириш миқдори учун 26 балл, жами 90 балл тўплаган.

Биргаликда молиялаштириш маблағлари тегишли маҳалла маҳсус ғазна ҳисобварағида түпланади ва фақатгина лойиҳа ғолиб деб топилганда маҳаллий бюджет фуқаролар ташаббуси жамғармаси маҳсус ғазна ҳисобварағига ўтказиб берилади. Лойиҳа ғолиб деб топилмаган тақдирда эса ташаббускорлар томонидан йиғилган маблағлар маҳалла маҳсус ғазна ҳисобварағида сақланади, ва ташаббускорларнинг розилиги билан кейинги мавсум лойиҳалари учун биргаликда молиялаштириш маблағлари ҳисобига ўказилиши ёки уларнинг талабларига биноан қайтарилиши мумкин.

Биргаликда молиялаштириш маблағлари эвазига иқтисод қилинган маблағлар ҳисобидан кейинги ўринлардаги лойиҳаларни молиялаштириш имкони яратилади.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Ўзбекистонда фуқароларни бюджет жараёнига жалб этиш механизми Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3917-сон Қарори Lex.uz. (2018) билан мустаҳкамланган. Қарорга кўра 2019 йилда бюджет маблағларини тақсимлашда туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшимча манбаларининг камидаги 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтирилиши белгиланган механизм жорий этилган. Шунингдек, шу йилнинг ўзида, Давлат бюджети тўғрисидаги маълумотлар, жамоатчилик фикрини шакллантириш учун туман (шаҳар)лар бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан молиялаштирилиш тақлиф этилаётган тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар ҳамда бюджет жараёнини такомиллаштириш бўйича тақлифларни ўзида мужассам этган “Очиқ бюджет” ахборот портали ишга туширилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сон Қарори Lex.uz. (2021) билан 2021 йилдан “Очиқ бюджет” ахборот порталининг янги версияси ишга туширилган, шунингдек, хориж мамлакатларининг илғор тажрибалари ҳамда халқаро эксперталарнинг билдирган фикрлари ёрдамида ташаббусли бюджет жараёни амалиётга жорий этилган. Бунда, туман (шаҳар)ларида тегишли бюджетларнинг тасдиқланган умумий ҳаражатларининг 5 фоизи жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш ҳамда туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшимча маблағларининг энг кам миқдорини 10 фоиздан 30 фоизга ошириш белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги “Маҳаллий бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида”ги КҚ-213-IV-сон Қарорига мувофиқ Туман (шаҳар) бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш, шунингдек, “Очиқ бюджет” портали орқали жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш тартиби қабул қилинган.

Ўтказилган дастлабки Ташабbusli бюджет жараёнида энг кўп келиб тушган тақлифларнинг аксарият қисмини ички йўлларни таъмирлаш билан боғлиқ муаммолар ташкил этган. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 сентябрдаги ““Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштиришни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5250-сон Қарори Lex.uz. (2021)га асосан 2022 йил 1 январдан бошлаб туман ва шаҳарлар бюджетлари параметрларида худудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратиладиган маблағларнинг 50 фоизи «Очиқ бюджет» ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида аниқланган ички йўлларни таъмирлашга йўналтириш белгиланди.

Навбатдаги мавсумлар давомида фуқароларнинг ушбу жараёнга бўлган қизиқиши ва ишончининг ортиши натижасида кўп овоз тўплаган лекин ғолиб бўлмаган лойиҳаларни қўллаб-куватлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 апрелдаги “Туман ва шаҳар бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш жараёнларида фуқароларнинг иштирокини янада қўллаб-куватлаш тўғрисида”ги ПҚ-197 сон Қарори ([www.lex.uz](http://www.lex.uz), 2022) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги “Жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш қўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-409 сон Қарор ([Lex.uz](http://Lex.uz), 2022)ларига асосан 2022 йилнинг иккала мавсуми доирасида ҳар бири 2 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб деб топилмаган лойиҳалар қўшимча равишда ғолиб деб топилган.

2 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб деб топилмаган лойиҳалар 2023 йил 1 мавсумда ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 апрелдаги “Ташабbusli бюджетлаштириш амалиётини янада такомиллаштириш ҳамда фаол маҳаллаларни қўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-117 сон Қарори ([Lex.uz](http://Lex.uz), 2023) га асосан ғолиб деб топилган.

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида молиялаштириладиган тадбирлар 2023 йилдан бошлаб жамоатчилик фикри асосида «Очиқ бюджет» ахборот портали орқали овоз бериш йўли билан аниқланиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 3 майдаги “«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини жамоатчилик фикри асосида ташабbusli бюджетлаштириш жараёнлари орқали амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 183-сон Қарори ([Lex.uz](http://Lex.uz), 2023) билан белгиланган.




### 1-расм. Ташабbusli бюджет жараёнларини молиялаштириш

2024 йилда ташабbusli бюджет жараёнлари янги босқичга олиб чиқилди. Хусусан, ўтган давр мобайнода ортирилган тажрибани инобатга олган ҳолда мазкур тизимни янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2024 йил 30 январдаги “Ташабbusli бюджет жараёнларини ўtkaziш ҳамда молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги КҚ-666-IV-сон Қарори ([Lex.uz](http://Lex.uz), 2024) қабул қилинди. (Мазкур қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сон Қарори иловаси ўз кучини йўқотган).

Қарорга кўра ташабbusli бюджет жараёнларини молиялаштириш манбалари қўйидагилардан иборат (1-расм).

Маблағларни ташабbusli бюджет жараёнини молиялаштиришга йўналтириш учун туман (шаҳар) ҳокимликларида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари шаклидаги Фуқаролар ташабbusi жамғарmasi шахсий ҳисобварафи очилади.

Ташаббусли бюджет жараёни бир нечта босқичларлардан иборат бўлиб, қуйидаги амалга оширилади (2-расм):



## 2-расм. Ташаббусли бюджет жараёнларини ўтказиш босқичлари


Мамалакатда яшил боғ ва жамоат паркларини барпо этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 26 мартағи “Жамоатчилик фикри асосида ишлаб чиқилган «менинг боғим» лойиҳаларини шакллантириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 156-сон Қарори (Lex.uz., 2024) қабул қилинган. Қарорга мувофиқ, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ҳар йили ажратиладиган маблағларнинг камида 50 фоизи «яшил боғ» ва «яшил жамоат паркли»ни ташкил қилиш учун «Очиқ бюджет» ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида ишлаб чиқилган «Менинг боғим» лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2024 йил 29 июлдаги “Ташаббусли бюджет жараёнларини ўтказиш ҳамда молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзgartiriш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги КҚ-787-IV сон Қарори (Lex.uz., 2024) билан КҚ-666-IV-сон Қарорига бир қатор ўзgartiriш ва қўшимчалар киритилди. Бунда, овоз бериш босқичи 10 кунга камайтирилди, Халқ депутатлари туман (шахар) кенгашлари ваколатини кенгайтириш мақсадида – уларга туман (шахар) бюджети қўшимча маблағлари ҳисобидан қўшимча ғолибларни эълон қилиш ҳамда мажбурий овоз тўпланган лойиҳаларни бекор қилиш ваколати берилди.

Шунингдек, 2025 йил 1 мавсумдан бошлаб барча маҳаллалар учун ғолиб бўлиш имкониятини яратиш мақсадида ташабbusli бюджет доирасида сўнгги мавсумларда кетма-кет икки маротаба ғолиб деб топилган маҳаллалар (ташкилотлар) учун навбатдаги иккита мавсум доирасида лойиҳа киритиш имконияти чекланиши белгиланди.


Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг маълумотларига кўра, ташабbusli бюджет жараёнида 2021 йилдан 2024 йил 2 мавсумга қадар келиб тушган таклифлар сони 340,8 мингтани ташкил этди. Бунда, фуқаролар томонидан 2021 йилда 41 125 та таклифлар келган бўлса, 2022 йилда 131 266 та, 2023 йилда 105 434 та ҳамда 2024 йилда жами 63 049 та таклифлар билдирилган. (Маълумот учун: 2024 йил 2 мавсум яқунлари бўйича умумий қиймати 2,2 трлн сўмни ташкил этган 1 950 та лойиҳалар ғолиб деб топилди).

Модерация жараёнидан 220 мингта таклифлар маъқулланиб, овоз бериш жараёнига ўтказилган. Бунда, 2021-2024 йилларда мос равища келиб тушган таклифларнинг 56 фоизи (22 966 та), 59 фоизи (40 277 та ва 37 670 та), 63 фоизи (33 680 ва 33 489 та) ҳамда 82 фоизи (29 015 ва 23 246 та) қабул қилинган.



**3-расм. Жами таклифларга нисбатан модерациядан ўтган таклифлар улуши, фоизда**

Ташаббусли бюджет жараёнининг дастлабки мавсумларида деярли 50 фоиз лойиҳалар саралашдан ўтмаган бўлса, мавсумдан мавсумга ўтган сари лойиҳаларнинг аксарият қисми овоз бериш жараёнига ўтган. Айниқса, 2024 йилнинг иккала мавсумларида мос равишда 81,6 фоиз ва 84,6 фоиз таклифлар саралашдан ўтган ва овоз бериш босқичига ўtkazilgan. Ушбу маълумотлар ташаббусли лойиҳаларнинг аксарият қисми саралаш босқичидан ўtkazilganligidagi далолат беради. Бунда, белгиланган мезонларга мос келмайдиган, яъни тадбиркорлик хусусиятига эга бўлган лойиҳалар ҳам саралаш босқичидан ўtkazilgan<sup>7</sup>.



**4-расм. 2021-2024 йил мавсумларида бир лойиҳанинг БХМдаги қиймати, баробар**

<sup>7</sup> [https://aza.uz/ru/posts/tashabbusli-byudzhet-zharayonlarida-tadbirkorlik-subektlari-golib-bolgani-keskin-tanqid-qilindi\\_662158?q=%2Fposts%2Ftashabbusli-byudzhet-zharayonlarida-tadbirkorlik-subektlari-golib-bolgani-keskin-tanqid-qilindi\\_662158](https://aza.uz/ru/posts/tashabbusli-byudzhet-zharayonlarida-tadbirkorlik-subektlari-golib-bolgani-keskin-tanqid-qilindi_662158?q=%2Fposts%2Ftashabbusli-byudzhet-zharayonlarida-tadbirkorlik-subektlari-golib-bolgani-keskin-tanqid-qilindi_662158)

Шунингдек, 2021 йилда овоз бериш жараёнларида 1,1 млн та овоз берилган бўлса, 2022 йил жами 14,5 млн та, 2023 йилда жами 34,2 млн та овоз берилган. 2024 йилдан “Бир фуқаро – бир овоз” тамойилининг жорий этилиши ушбу овоз бериш жараёнининг янада шаффоф ва адолатли бўлишига ҳисса қўшди. Натижада 2024 йил 1 мавсумда жами 29 015 та ташаббус учун деярли 11,7 млндан ортиқ овоз билан 2 770 та, 2024 йил 2 мавсумда жами 7,2 млн та овоз билан 1 950 та, барча мавсумларда эса жами 14,6 мингта лойиҳа ғолиб бўлди.

Таҳлилларга кўра, вилоятлар кесимида аҳолини ташабbusli бюджет жараёнига жалб қилинганлик даражаси ҳам мавсумдан мавсумга ошиб бормоқда. Айниқса, Сурхондарё, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида аҳолининг мазкур жараёндаги иштирокининг улуши юқори бўлган. Сурхондарё вилоятида аҳолининг овоз бериш жараёнига жалб қилинганлик даражаси 2022 йил 1 мавсумдан бошлаб 50 фоиздан паст кўрсаткичга эга бўлмаган, 2023 йил 1 мавсумда эса қарийб 106,8 фоизни ташкил этган. Бунда ушбу мавсумда Сурхондарё вилоятида 4 250 лойиҳа ғолиб бўлган бўлса, Олтинсой тумани (Олтинсой туманида 2023 йилда доимий аҳоли сони 187,9 минг кишини ташкил этган)да бир лойиҳа энг юқори 21 301 та овоз тўплаган ва ғолиб бўлган, бу туман жами аҳоли сонининг 11 фоизни ташкил этган. Умуман олганда, 2023 йил 1 мавсумда барча вилоятларда ушбу кўрсаткичнинг юқори даражасини кўриш мумкин. Фарғона вилояти ҳам айнан мана шу мавсумда 93,5 фоиз кўрсаткичга эга бўлган.

### 1-жадвал

#### 2021-2024 йил 1 мавсумларда ҳудудлардаги аҳоли сонига нисбатан берилган овозлар улуши


Ҳудуд номи	2021 йил	2022 йил 1 мавсум	2022 йил 2 мавсум	2023 йил 1 мавсум	2023 йил 2мавсум	2024 йил 1 мавсум
Андижон вилояти	1,0%	9,2%	15,0%	29,1%	18,8%	22,7%
Бухоро вилояти	2,9%	12,4%	16,1%	37,4%	17,6%	23,9%
Жizzах вилояти	2,3%	15,7%	14,6%	38,7%	15,3%	28,9%
Қашқадарё вилояти	2,3%	11,3%	19,8%	47,3%	26,7%	33,1%
Қорақалпоғистон Республикаси	3,0%	7,4%	6,7%	18,8%	14,2%	18,7%
Навоий вилояти	7,5%	20,5%	16,4%	39,9%	16,0%	24,9%
Наманган вилояти	2,8%	21,0%	17,7%	35,8%	13,7%	22,3%
Самарқанд вилояти	1,3%	9,1%	14,7%	29,0%	18,7%	26,5%
Сирдарё вилояти	1,3%	5,4%	3,9%	8,0%	5,5%	7,8%
Сурхондарё вилояти	7,9%	63,5%	53,0%	106,8%	52,1%	83,7%
Тошкент вилояти	2,9%	13,7%	15,7%	29,3%	15,4%	20,1%
Тошкент шаҳри	0,5%	4,3%	4,5%	10,9%	9,2%	9,3%
Фарғона вилояти	5,0%	21,6%	25,8%	93,5%	34,6%	52,6%
Хоразм вилояти	4,7%	14,4%	18,7%	23,8%	13,9%	17,5%

2021 йилдан 2024 йил 1 мавсумга қадар фуқаролар томонидан илгари сурилган лойиҳаларнинг аксарият қисми умумтаълим мактабларини таъмирлаш ва жиҳозлаш - 4380 та лойиҳа 34% (3,3 трлн сўм, 32%), йўлларни таъмирлаш - 3439 та лойиҳа 27% (3,3 трлн сўм, 32%), соғлиқни сақлаш муассасаларини таъмирлаш ва жиҳозлаш - 1335 та лойиҳа 10,5% (1,2 трлн сўм, 11,6%), мактабгача таълим муассасаларини таъмирлаш ва жиҳозлаш - 683 та лойиҳа 5,4% (431 млрд сўм, 4,2%) ёритиш тизимларини яхшилаш 416 та лойиҳа 3% (275 млрд сўм, 2,6%) ва ичимлик суви таъминоти 393 та лойиҳа 3% (243 млрд сўм, 2,3%) ташкил қилган.



**5-расм. 2021 йилдан 2024 йил 1 мавсумга қадар энг кўп илгари сурилган лойиҳалар (соҳалар кесимида, фоизда)**


2024 йил 1 мавсумда умумтаълим мактабларини таъмирлаш ва жиҳозлаш тадбирлари бўйича келиб тушган лойиҳалар сони 5344 тани ташкил этган бўлса, шундан 953 та лойиҳа ғолиб бўлган ёки мазкур соҳа бўйича жами келиб тушган лойиҳаларнинг 17,8%ини ташкил қилган. Соғлиқни сақлаш муассасаларини таъмирлаш тадбирларида 20,6%, бошқа таълим муассасаларини таъмирлаш тадбирларида лойиҳаларнинг 16,3%и ғолиб бўлган. Бироқ ёритиш тизимларини яхшилаш тадбирлари бўйича 1,4%, маҳалла гузари (маҳаллада умумфойдаланишда бўлган бошқа обьектлар) ни таъмирлаш-тиклаш билан боғлиқ тадбирлар 1,4%, болалар майдончаларини барпо этиш ёки таъмирлаш тадбирлари бўйича 0,9% лойиҳалар ғолиб бўлган.



**6-расм. Келиб тушган ҳамда ғолиб лойиҳалар сони (2024 йил 1 мавсум).**

2021 йилдан 2024 йил 1 мавсумга қадар Республикаизда жами маҳаллалар сони 9447 тани ташкил этади, шундан 5419 та (57 фоиз) маҳаллаларда 12736 та лойиҳалар ташаббусли бюджет жараёнида ғолиб бўлган, 979 та маҳаллаларда (18 фоиз) тўрт ва

ундан ортиқ 5470 та (42,9% жами амалга оширилганга нисбатан) ғолиб лойиҳалар амалга оширилган бўлса, 43 фоиз маҳаллаларда ғолиб лойиҳалар мавжуд эмас. Ғолиб лойиҳаларга жами 10,3 трлн сўм маблағ йўналтирилиб, шундан 41 фоизи (4,2 трлн сўм) тўрт ва ундан ортиқ лойиҳалари ғолиб бўлган маҳаллаларга тўғри келган.



**7-расм. Тўрт ва ундан ортиқ лойиҳалари ғолиб бўлган маҳаллаларга йўналтирилган маблағлар, трлн сўм.**

Мисол учун, Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани Касб-хунар мактаби моддий техника базасини ривожлантириш лойиҳаси 2023 йил 2 мавсумда ҳамда 2024 йил 1 мавсумда ғолиб бўлган. Умумий маблағи 2 мавсумда 1,7 млрд сўмни ташкил этган; Қоровулбозор тумани 2-сон умумтаълим мактабида қурилиш ва жиҳозлаш лойиҳалари бўйича 2022 йил 1 ва 2 мавсумларда, 2023 ва 2024 йиллар 1 мавсумларида ғолиб бўлган. Умумий маблағи 4 мавсумда 2,4 млрд сўмни ташкил этган; Сирдарё вилояти Ширин шаҳри 1 умумтаълим мактабида таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш тадбирлари бўйича 2022 йил 2 мавсумда 2 та, 2023 йил 1 ва 2 масумларда ҳамда 2024 йил 1 мавсумда 1 таддан лойиҳалар ғолиб бўлган. Умумий маблағи 4 мавсумда 5 лойиҳа қиймати 1,8 млрд сўмни ташкил этган.

Ташабbusli бюджет доирасида амалга оширилган лойиҳалар таҳлили натижасида, бугунги кунда ташкилий жараёнда қуйидаги бир қатор ўз ечимини кутаётган муаммолар аниқланди:

1. Овоз бериш босқичида фуқаролар томонидан пул маблағларини овоз йиғиш учун йўналтириш ҳолатлари мавжуд.
2. Ижтимоий соҳа ходимларини овоз йиғиш мақсадида мажбурий меҳнатга жалб қилиниши ҳолатлари қузатилмоқда.
3. Турли субъектлар томонидан моддий рағбат эвазига овоз тўплаб бериш ҳизматлари ташкил этилиши жамият орасида ташабbusli бюджет жараёни аҳамиятини пасайтириб, айrim ҳолларда унга нисбатан салбий муносабат уйғотмоқда.
4. Айrim маҳалла ва ташкилотларнинг ташабbusli бюджет жараёнида кетма-кет иштирок этиб ғолиб бўлиши, бошқа маҳаллалар аҳолиси орасида мазкур жараёнга ишончсизликни уйғотмоқда.
5. Ташабbusli бюджет платформасида тақдим этилган лойиҳаларнинг таҳлили танловда асосан ижтимоий обьектлар кўп овоз олаётганлигини кўрсатмоқда. Умумтаълим мактабларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар мактаб раҳбариятининг маъмурий усусларни қўллаб, овоз йиғишни ташкиллаштириши натижасида ғолиб деб топилиши маълум бир худудда яшовчи фуқароларнинг ташабbusлари амалга ошмаслигига сабаб бўлмоқда.
6. Фуқаролар томонидан лойиҳаларни шакллантиришда уларнинг қиймати тегишли ҳисоб-китобларсиз “Очиқ бюджет” ахборот порталига жойлаштирилиб,

ажратиладиган маблағлар модерация жараёнида камайтирилганда ташаббус билдириган фуқаро ёки фуқаролар гурухи ҳолат сабабларини тушунмасдан норозилиги юзага келмоқда.

### **Хулоса ва таклифлар.**

2. Сунъий ажиотаж ҳосил қилиб овозларни тўплаш ҳолатларини олдини олиш мақсадида “Очиқ бюджет” ахборот порталида овоз бериш жараёнида лойиҳалар тўплаган овозларни фақатгина лойиҳа ташабbusкори кўра олиши имкониятини жорий этиш ва ҳар бир лойиҳа бўйича тўпланган овозларни овоз бериш жараёни якуни бўйича эълон қилиш.

3. Бошқа худудлардан моддий рағбат эвазига овозларни жалб қилиш тажрибасини қисқартириш мақсадида ҳар бир лойиҳа бўйича овоз беришни ташаббус билдирилган худуд (*куни билан вилоят*) доирасида чеклаш (*OneID орқали назоратни амалга ошириш*).

4. Ташабbusли бюджет жараёнида кетма-кет иштирок этиб ғолиб бўлиш муаммосининг сабабларидан бири лойиҳалар ўз ичига бир нечта тадбирларни олган “loyiҳalар тўплами” (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Maҳkamасининг 03.05.2023 йилдаги 183-сон қарори мисолида*) сифатида амалга ошириш имконияти чекланганлиги ва ажратиладиган маблағларнинг базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 минг баробари миқдорида чекланганлиги.

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг КҚ-666-IV-сон қарори билан барча маҳаллалар учун ғолиб бўлиш имкониятини яратиш мақсадида сўнги мавсумларда кетма-кет икки маротаба ғолиб деб топилган маҳаллалар учун навбатдаги иккита мавсум доирасида лойиҳа киритиш имкониятини чеклаш маҳалла сони кам бўлган ҳудудлар (*Навоий в. Fозғон ш. 4 маҳалла, Томди т. 8 маҳалла, Бухоро в. Қоровулбозор т. 7 та маҳалла, Сирдарё в. Ширин ш. 7 та маҳалла ва ш.к.*) ҳамда муаммолари кўп бўлган йирик маҳаллаларнинг ташабbusли бюджет жараёнида иштирокини чеклашга олиб келади. Киритиладиган чекловларни маҳаллалар учун эмас, фақатгина ташкилотларга нисбатан амалга киритиши.

Бир обьектда бир неча турдаги тадбирларни амалга ошириш зарур бўлган лойиҳаларни ўз ичига бир нечта тадбирларни олган “loyiҳalар тўплами” сифатида амалга ошириш, ушбу лойиҳаларнинг умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 минг баробаридан ошганда уларнинг максимал қийматини 10 минг баробаригача белгилаб, модерация жараёнини Қорақолпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳалқ депутатлари Кенгашлари даражасида ёки бошқа коллегиал органда амалга ошириш. Ушбу турдаги лойиҳалар ташабbusли бюджет жараёнида иштирок этмайди.

5. Ташабbusли бюджет доирасида ижтимоий соҳа обьектларини таъмирлаш ва жиҳозлаш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширмаслик таклиф этилади. Натижада жамоавий муаммоларни ҳал этишга қаратилган йўлларни таъмирлаш, ҳиёбонлар ва болалар майдончаларини барпо этиш, экологияни яхшилаш, ичимлик ва оқова сув таъминотини яхшилаш, кўча чироқларини ўрнатиш (таъмирлаш) ва маҳалла ҳудудини обод қилиш бўйича киритилаётган лойиҳаларнинг ғолиб бўлиш имконияти ошади.

6. Фуқаролар орасида модерация жараёнидан кейин лойиҳа қиймати камайтирилган вақтда турли саволлар юзага келишини олдини олиш, ҳамда лойиҳа бўйича талаб этиладиган маблағларнинг дастлабки ҳисоб китобларини аниқроқ амалга ошириш имкониятини яратиш мақсадида «Очиқ бюджет» ахборот порталида онлайн калькулятор функциясини қўшиш. Бунда биринчи босқичда йўлларни таъмирлаш билан боғлиқ ҳисоб-китоблар, келгуси босқичларда бошқа соҳалар кесимида ҳисоб-китобларни онлайн амалга ошириш имкони жорий этиш таклиф этилади.

**Адабиётлар/Литература/Reference:**

25 QUESTIONS ON INITIATIVE BUDGETING (2017) Kudrin Foundation for the Support of Civil Initiatives. (n.d.). Available at: <https://www.oidp.net/docs/repo/doc233.pdf>, 5 cstr.

Gavrilova N.V. (2016) [Overseas trends in the participatory budgeting]. Nauchno-issledovatel'skii finansovyi institut. Finansovyi zhurnal = Financial Journal, no. 2, pp. 118–125. (In Russ.).

Lex.uz. (2018). ПҚ-3917-сон 22.08.2018. Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида. [online] Available at: <https://lex.uz/docs/3879197>.

Lex.uz. (2021). ПҚ-5072-сон 13.04.2021. Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. [online] Available at: <https://lex.uz/docs/5370805>.

Lex.uz. (2021). ПҚ-5250-сон 22.09.2021. 'Очиқ бюджет' ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштириши янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида. [online] Available at: <https://lex.uz/docs/5651405>.

Lex.uz. (2022). ПҚ-409-сон 25.10.2022. Жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш қўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида. [online] Available at: <https://lex.uz/uz/docs/6251478>.

Lex.uz. (2023). 183-сон 03.05.2023. 'Обод қишлоқ' ва 'Обод маҳалла' дастурларини жамоатчилик фикри асосида ташаббусли бюджетлаштириш жараёнлари орқали амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида. [online] Available at: <https://lex.uz/docs/6456544>.

Lex.uz. (2023). ПҚ-117-сон 10.04.2023. Ташаббусли бюджетлаштириш амалиётини янада такомиллаштириш ҳамда фаол маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида. [online] Available at: <https://lex.uz/docs/6429853>.

Lex.uz. (2024). 156-сон 26.03.2024. Жамоатчилик фикри асосида ишлаб чиқилган 'Менинг боғим' лойиҳаларини шакллантириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида. [online] Available at: <https://lex.uz/docs/6860237>.

Lex.uz. (2024). КҚ-666-IV-сон 30.01.2024. Ташаббусли бюджет жараёнларини ўтказиш ҳамда молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида. [online] Available at: <https://lex.uz/uz/docs/6790170>.

Lex.uz. (2024). КҚ-787-IV-сон 29.07.2024. Ташаббусли бюджет жараёнларини ўтказиш ҳамда молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. [online] Available at: <https://lex.uz/docs/7048982>.

Sinkina A.A. (2015) [A budget for citizens as a tool of open government]. Ekonomika i upravlenie v XXI veke: tendentsii razvitiya = Economics and Management in 21st Century: Development Trends, no. 23, pp. 120–133. (In Russ.).

Vagin V.V., Gavrilova N.V., Shapovalova N.A. (2015) [Proactive budgeting in Russia: Best practices and development trends]. Nauchno-issledovatel'skii finansovyi institut. Finansovyi zhurnal = Financial Journal, no. 4, pp. 94–103. (In Russ.).

Www.lex.uz. (2022). ПҚ-197 08.04.2022 Туман ва шаҳар бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш жараёнларида фуқароларнинг иштирокини янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида. [online] Available at: <https://www.lex.uz/pdfs/5945298>.